Тажимуратов Баҳадир Утемуратович — «Ўзнефгазқазичиқариш» акциядорлик компаниясининг «Устортгаз» унитар шўба корхонаси «Шарқий Бердак» қони кузатувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Тажимуратов Куралбай Оринбаевич — «Тажиктош иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамияти бош муҳандисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси
Тайров Улмас Зарипович — «Марказгазтаъминот» унитар корхонасининг «Каттакўрғоншаҳаргаз» филиали чилангари, Самарқанд вилояти
Ташпулатов Абдукаҳар Абдуллаевич — Тошкент шаҳридаги «Суваноатмаш-механика» унитар корхонаси чилангари
Тоиржонова Барногул Қўзиевна — Бешарик туманидаги «Бешариктекстиль» қўйма корхонасининг тикувчилик цехи бригада бошлиғи, Фарғона вилояти
Тўйчиева Феруза Шамшидиновна — Поп ту-

манидаги «Папфен» масъулияти чекланган жамиятининг бўлим бошлиғи, Наманган вилояти
Ўбайдуллаева Яйра Раҳимжановна — Учтепа туманидаги «Артикор» ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри
Уразбаев Шухрат Алиевич — «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамиятининг «Ангрэн қўмир қони» филиали экскаватор машинисти, Тошкент вилояти
Уразкулов Мамаюсуп Сулейманович — «Янги-Ангрэн иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятининг смена бошлиғи, Тошкент вилояти
Усманов Отабек Ганиевич — Андижон шаҳридаги «Водий олтин куз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти
Фатхиддинов Нemat Фазлиддинович — Наманган шаҳридаги «Люкс плюс сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти
Федорова Антонина Борисовна — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг бош мутахассиси
Ҳабибуллаева Донахон — Қўрғонтепа туманидаги Усмон Носир номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти
Ҳаджиев Аҳмат Борисович — Наманганмаш очик акциядорлик жамиятининг чилангари, Наманган вилояти
Ҳазраткулова Мавлуда Чўтбаевна — Шўрчи туманидаги «Хайрабод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти
Ҳайдарова Қарима Аскаралievна — «Ўзкимёфарм» очик акциядорлик жамиятининг цех қадоқловчиси, Тошкент шаҳри
Ҳасанов Хайрулло Эшқуватович — Ангор туманидаги «Бинокор-Ангор» масъулияти чекланган жамиятининг бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Ҳолматов Шакар Исакович — «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Пайариқ насос станциялари бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти
Ҳолмуродов Абдурайим Холназарович — Нишон туманидаги «Нишон люкс сервис» қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти
Худойбердиев Намоз Маъмурович — «Ўзнефгазқазқудтаъмирлаш» очик акциядорлик жамияти «Шўртан» участкаси катта устаси, Бухоро вилояти
Чоршанбиев Зиядулла Бозарович — Қамаш тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти
Шаймарданова Халиниса Базаровна — Шаҳрисабз туманидаги «Оқ сарой текстиль» масъулияти чекланган жамиятининг тайёрлов бўлими оператори, Қашқадарё вилояти
Шайматов Абдуқадир Джурабоевич — Зарбдор туманидаги «Журабек» фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти
Шарипова Матлуба Хусановна — Зарафшон шаҳридаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти
Шерматов Абдусаттор Қудратович — Фориз туманидаги «Карбонат» очик акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи, Жиззах вилояти
Эргашев Холжўра Мухорович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг «Қоулди» қони лаҳмчиси, Тошкент вилояти
Эргашева Дилбарой — Жиззах туманидаги «Жиззах пилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти
Эшбаев Кенжа — «Нуроний» жамғармасининг Деҳқонбод тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти
Юлдашев Расил Салихович — Тошкент шаҳридаги «Технолог» очик акциядорлик жамиятининг «Технолог Металл» шўба корхонаси тоқари
Юлдашев Уразали Юлдашевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси майдаловчиси, Тошкент вилояти
Юнусов Алишер Асрорович — «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи, Тошкент вилояти
Юнусов Салим Халимович — Бухоро шаҳридаги «2533-автожамланма» унитар корхонасининг автобус ҳайдовчиси, Бухоро вилояти
Юсупов Раҳмат Раҳимович — «Ўзгеобургунефгаз» акциядорлик компаниясининг «Қўқон нефтгаз пармалаш ишлари» очик акциядорлик жамияти бош механиғи, Фарғона вилояти
Юрдуллаев Муродилла Шукруллаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» марказининг Самарқанд ҳудудий бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2013 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Шаюнос Аюбджанович Газиёв Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.
2. Кучкар Тоғаев Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров
Тошкент шаҳри, 2013 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Қозимджан Фазилович Камиллов Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров
Тошкент шаҳри, 2013 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мамлакат банк тизими фаолиятининг белгиланган устувор йўналишлари доирасида 2012 йилда банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ҳамда улар томонидан юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишига алоҳида эътибор берилди. Қўйилган вазифани бажариш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат банк тизимида юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлаш имконини берди. Чунончи, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси умумий қабул қилинган ҳалқаро стандартлардан 3 баравар юқори бўлди. Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси талаб қилинадиган энг кам даражадан 2 баравар юқори бўлди.



Самарали банк назоратининг амалга оширилиши, активлар ликвидлиги ва сифати халқаро стандартларга мувофиқ доимий мониторинг қилиниши Ўзбекистоннинг тижорат банкларига дунёнинг етакчи рейтинг агентликларидан ижобий баҳолаш олиш имконини берди. Чунончи, мамлакатнинг 28 та тижорат банки «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» рейтинг агентликлари томонидан берилган «барқарор» даражасидаги ижобий рейтинг баҳоларига эга.
Ҳисобот йилида банклар томонидан мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини ҳамда юқори технологияга асосланган янги корхоналари жадал ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми олдинги йилдагига қараганда 30,5 фоизга ошди. Шу билан бирга инвестиция мақсадларига берилган кредитлар улуши 1,3 баравар кўпайди. Ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфели умумий ҳажмининг 85,8 фоизини ташкил этди, мuddати уч йилдан ортқ бўлган узок мuddатли қўйилмалар эса 30,9 фоизга ўсиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил қилди.
Муҳокама жараёнида тижорат банклари балансида ўтказилган 120 та иқтисодий ноқор корхонани соғломлаштириш бўйича амалга оширилган самарали иш ишлаб чиқаришни қайта тиклашга ва бу корхоналари стратегик инвесторларга реализация қилишга имкон берганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу 25 мингдан ортқ иш ўрни яратиш имконини берди. Мазкур корхоналар томонидан жами 494,4 миллион АҚШ доллари миқдорнда маҳсулот экспорт қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йилдагига нисбатан 1,3

баравар кўп кредитлар ажратилди, шу жумладан ажратилган микрокредитлар ҳажми 1,5 баравар кўпайди.
Миллий иқтисодиётга чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этиш мақсадида 2012 йилда банклар томонидан халқаро молия институтларининг 181,7 миллион АҚШ доллари миқдорндаги кредит линиялари ўзлаштирилган бўлиб, бу 2011 йилдагига қараганда 1,3 баравар кўпдир.
Шу билан бирга, сенаторлар ҳисобот юзасидан ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мамлакат банк-молия тизими барқарорлигини ва самардорлигини таъминлашдаги, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни рўёбга чиқаришдаги роли ва аҳамиятининг муҳимлигига эътиборни қаратиш ҳамда унинг фаолиятининг самардорлигини янада ошириш бўйича айрим тақлифларни баён қилдилар.
Сенаторлар мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишда банк-молия тизими субъектларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиши, банк назорати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил рўёбга чиқаришнинг давом эттириши, банкларнинг ресурс базасини ошириш, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришларни, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгиллаш лойиҳаларини кредитлаш, банк хизматларини диверсификациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтилди.
Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгаришлар киритиш масаласини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.
Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.
Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.
Сенатнинг икки кунлик мажлисида 9 та масала, шу жумладан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қондаларини изчил рўёбга чиқаришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мумкин қадар қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 4 та қонун кўриб чиқилди.
Сенат томонидан Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири бартараф этиш чоралари тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилганлиги экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, инсоннинг соғлом табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.
Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши демократик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни оширишнинг қудратли омилига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Ёш журналистлар медиа оромгоҳи

Тошкент вилоятидаги «Бўстон» сихатгоҳида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида «Келажак овози» ёшлар медиа оромгоҳи ташкил этилди.
«Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур оромгоҳда журналистика факултети та-

Техника шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда бу янада ёрқин намоён бўлмоқда. Мазкур оромгоҳда ўтказилаётган машғулотларда соҳага доир сўнгги ўзгариш ва янгиланган хабардор бўлмоқдими, билими, малака ва маҳоратимизни ошироқдими.
Тадбир доирасида иштирокчиларга репортаж, лаҳза, хабар ва бошқа жанрларда материаллар тайёрлаш сирасорлари, бу борада наза-

рий дарслар ҳамда амалий машғулотлар ўтилоқда. Ёшлар томонидан тайёрланган журналистик ишларнинг сифати, ютуқ ва камчиликлари атрофида муҳокама этилаётди.
Уқув-семинарларда иштирок этган ёшлар интернет журналистикасини янада ривожлантириш юзасидан ўзгоя ва тақлифларини билдирмоқда.
Х.САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири


**Қорақалпоғистон Республикаси
касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши жамоаси**

**Мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб
келаётган Мустақиллигимизнинг
22 йиллик байрами билан
самимий қутлайди.
Барча-барчага мустаҳкам соғлиқ,
ишларида муваффақият, оилавий
бахт ва бундан-да
юксак фаровонлик тилаймиз!**



**ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ,
КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

**Тармоқ ходимларини ва барча юрtdошларимизни
мустақиллигимизнинг 22 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.
Ҳар бирингизга юртнинг ардоқли фарзанди
бўлишдек бахт насиб этсин!
Ватанимизни юксалтириш йўлидаги
ишларингизда муваффақият ва зафар
ҳамиша ёр бўлсин!**



Орамиздаги одамлар



**Гаффор ота саман оти тизгинини бўш қўйганча
атрофга разм солди. Ҳавонинг авзойи бузилаётган-
нини кўргач, таёғини ҳаволатганча шогирдларига
баланд овозда ҳайқирди:
— Сурувни қуйга қайтарамиз, йигитла-ар!
Эрта баҳорда чўпонлар сергак бўлмоғи, кун
бўйи сурувни кузатиб, уюр ортида юриши лозим
бўлади. Бўриларга ёгин-сочинли дамдан қулайи
йўқ. Нега деганда, бундай ҳавода қўй-қўзилар
олисни кўролмаб, йўлини йўқотади.**

**Ризқ осмондан
тушмайди**

Бир зумда тун ҳам чўқди. Адирнинг уфққа туташ гардиши қизғиш тус ола бошлади. Сурув қудуқбоши томонга эниб борарди. Гаффор ота ёш қўзилар ортда қолиб кетмаёптимикин, деган хавотирда адир адоғига диққат билан назар солди. Шу пайт тепароқда икки қўй сурувдан ажралиб, жойида қотганча турганини кўрди. Улар ҳадеганда қўзғалмагач, от биқинига оёқлари билан ниқтаб, шу томон йўл олди. Итлар ҳам эргашди. Бош чўпон яхшироқ зехн солса, икки қўй қаршида икки бўри ерга қапишганча ўлжасидан қўз узмай турибди. Гаффор ота шовқин солиб, итларни чақирди. Йирткичлар Пошшот тоғ тизмаси томон қочди.

Тунда ухлаёлмай чиққан бош чўпон азонда отини эгарлаб, қўшни қишлоққа йўл олди. Тўғри бориб, Шомурод овчининг ўғли Бўрибой мерганнинг дарвозасини тақиллатди. Хайтовур, у уйда экан.

— Милтигимни милиция ходимлари олиб кетишган. Номим Бўрибой бўлгани билан ўша йирткичларни қуролсиз ҳайқитириш қўлимдан келмайди.

Вақт тизғи, муаммони ечимсиз қолдириб бўлмасди. Икковлон аввал туман марказига тушиб, икки ишлар идорасидан қуролни қайтариб олишди. Кейин эса қўёш бошини куйтишди. Чақон шогирдлари кўмағида ҳар жойга жойга емак қўйиб, отда Пошшотнинг Камарқўтон қоясига жўнашди.

Бўрибой ишига анча пишиқ экан. Қашқир из солувчи сўқмоқлар белгиланиб, тўрт жойга темир қопқонлар ўрнатилди. Мерган ва бош чўпон сахармардонда қоятош сўқмоқлари томон йўл олди. Қаранги, икки қопқонга икки қашқир илинди. Мерган қўёнқопқон ўрнатилган учинчи нуктага етиб борганида томчилан қон изларини кўриб, дарҳол вазиятни чамалашга тушди. Қопқон билан қочиб қолган учинчи йирткич анча олислаб кетган экан. Тешик тоғ этағидagina унга етиб олди.

Бундай воқеалар чўпонлар ҳаётида бот-бот учраб туради...

Кенгликларни қоплаган, қовжирай бошлаган ўт-ўланлар, янтоғу шу-воқзорлар... Бу манзара кишини бироз зериктиради. Аммо қарийб 30 километрча масофа босиб ўтилган, дов-дарахта бой, обод маскан кўзга ташланди.

— Мен айтган Ашур бобо отари мана шу бўлади, — дейди Баҳодиржон баланд девор билан ўралган ёпиқ отар ён-вериди орасталиқларга ишора қиларкан. — Нақ кўрғоннинг ўзгинаси-я. Емхона ва хашақхоналар бу томонда.

— Сув муаммосига нима дейсиз... — Излаган имкон топавераркан. Сахро қаърида яшиллик барло этиш учун бир эмас, учта қудуқ қаздиришларига тўғри келган.

Ғужумтол соясидидаги шохсупада икки киши нималар ҳаққидир берилиб сўбатлашарди. Ҳамроҳим йўлни тўғри ўша томонга бошлади.

— О-ҳо, жамоат жам экан-ку! Биз бўлсак, раис бобони идорадан суриштироқчи бўлиб тургандик.

Ҳол-аҳвол сўрашдик. Сулола сардори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қорвадор, «Шухрат» медали соҳиби Гаффор Обидовнинг сўхбатдоши тумандаги «Розгон» наслчилик ширкат ҳўжалиги раиси Истам Исмоилов экан.

«Ishonch» газетаси номини эшитган, мезбонлар юзига табассум югурди. Теъдда сўхбатимиз қовушди. Меҳнатқашларнинг ишончли химоячисига айлиб бораётган касаба уюшмалари ҳақидаги фикрларни олис чўл худудида яшовчилардан эшитиш нақадар мароқли.

— Ҳайт деган туяга мадад, — дейди Гаффор ота. — Касаба уюшмалари гамҳўрлигини доимий равишда ҳис этиб турибмиз. Баҳодиржоннинг қўллаб-қувватлаши билан нақ икки ҳафта Фарғонадаги «Чимён» сийҳатгоҳида янгангиз билан саломатлигимизни тиклаб келдик. Касаба уюшмаларининг инсонга наф келтириш борасидаги ишлари гап йўқ. Барака топишсин.

Елкасига сочиқ ташлаган бир йигитча каттакон лаълида айрончалоб солинган қосаларни келтириб, дастурхон четиға қўйди. Уларни қўлма-қўл даврадoшларға узатган,

мезбон мулозамат қилди:
— Муздақина, ичинглар, жазирама тафтини олади.

Савол бериш мавриди келганини сездик.
— Кечирасизлар, ўзи сўхбатларингизга халал бермадикми? Қизгин мулоқот мавзусидан бизни воқиф этмайсизларми?
— Ҳаёт ташвиш ва интилишлардан иборат экан-да, меҳмон, — дейди Истам Исмоилов.
— Йил давомида чўл кезиб, туёқлар изидан юриб, ризқ-рўз ортириш осон эканми? Туманимизда еттига чорвачилик ва наслчилик ҳўжалиги мавжуд. Ўзимизнинг ҳўжалигимизни оладиган бўлсак, унда отарлар сони 30 тани

Давра суҳбати

Миллий фахр тимсоли

Улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темур миллатимизнинг фахри ва гурури тимсоли ҳисобланади. Тарихимизнинг шонли саҳифалари, миллий давлатчилигимизнинг асослари, илм-фан ва маданиятимиздаги юксалишлар, улкан бунёдкорликлар, ҳеч шубҳасиз, буюк аждодимиз номи билан боғлиқ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олтидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» ширин остида ўтказилаётган турли анжуманлар, йигин ва учрашувларда халқимиз, айниқса, ёшларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини ўстириш учун Амир Темур каби улуг сиймоларга мурожаат қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Халқаро Амир Темур хайрия фонди, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи томонидан «Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг тадқиқ этилиши, Амир Темур ва темурийлар сиймосининг Ўзбек адабиёти, тасвирий санъати, драматургиясида яратилиши ва музей экспозицияларида намойиш этилиши: муаммолар ва уларни бар-тароф этиш йўллари» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

Тадбирни УзР ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи директори, Халқаро Амир Темур хайрия фонди бошқаруви раиси Нозим Ҳабибуллаев қисқача кириш сўзи билан очди.

Айтиш жоизки, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини чўқур ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимизни Соҳибқирон бобомиз билан яқиндан таништириш истиқлол шарофати билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан мазкур давр тарихини холис ва ҳаққоний тадқиқ этилиши, шоир-ёзувчилар, рассомлар ва театр санъаткорлари ижодида буюк зот образига мурожаат қилиниши борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Давра суҳбатига сўзга чиққан таниқли ижодкорлар, олимлар ва тадқиқотчилар шу мавзу атрафида батафсил фикр юритишди. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимовнинг «Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг тадқиқ этилиши», Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедовнинг «Амир Темурнинг илҳомбахш сиймоси»,

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддиновнинг «Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар сиймосининг тасвирий санъатда, ҳайкалтарошлиқда акс эттирилиши, бу борада эришилган натижалар», «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори О.Ризаевнинг «Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар ҳақида яратилган саҳна асарлари тўғрисида» мавзуларидаги ва бошқаларнинг маърузалари ййилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Истиқлол даврида рассом ва ҳайкалтарошлар ижодида тарихий мавзу, айниқса, Амир Темур ва темурийлар образини яратиш алоҳида ўрин тутмоқда, — деди Ўзбекистон Бадий академияси раиси, таниқли рассом Акмал Нуриддинов.

— Бу борада Юртбошимизнинг ташаббуси ва рағбати жуда катта аҳамият касб этди. Жумладан, 1993 йилда пойтахтимизда, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида Соҳибқирон бобомизнинг ҳайкаллари ўрнатилиши, уларнинг яратишда аса Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Рўзи Чориев, Содиқ Раҳмонов каби таниқли рассомлар яратган асарларни алоҳида тилга олиш мумкин. Бугун ҳам рассом ва ҳайкалтарошлар томонидан Амир Темур ва темурийлар мавзусига қўл урилмоқда. Таъкидлаш жоизки, тарихий сиймолар образини яратишда фақатгина истейод ва маҳоратга суянуш етарли эмас. Утмишни чўқур билиш, тарихчи олимлар ва археологлар билан ҳамкорлик қилиш ижодий муваффақиятлар гаровидир.

Тадбир давомида Амир Темур ва темурийлар тарихига оид илмий ва бадий асарлар, тасвирий санъат намуналари кўргазмаси ҳамда саҳна асарларидан парчалар намойиш этилди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири бартараф этиш чоралари тўғрисида

Ўзбекистон Олий Мажлисининг қўйи ва юқори палаталари муҳокамасига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган «Талко» ДУК зарарли чиқиндиларининг атрофдаги экологик муҳитга ва аҳолининг саломатлигига тобора кучайиб бораётган салбий таъсирини чуқур ўрганишга доир материаллар ушбу чиқиндилар таъсирини йўқотиш бўйича шилинч чоралар кўриш масаласини гоят зарур муаммо сифатида кун тартибига олиб чиқмоқда.

Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантурувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ гоят хавфли ҳамда одамлар саломатлигига ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Хозирги вақтда «Талко» ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолӣ туманларидан ҳудудда атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйилмайдиган энг юқори концентратсиядан (ЙҚЮК) урта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёса ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисми ҳаво оқими билан теварак-атрофга, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Денов, Сароисё, Узун ва бошқа туманлари ҳудудига ўтиб, минтақанинг минг йиллар давомида шаклланган экологик тизимини бузмокда, шунингдек, бу ерда зич яшайётган 1 миллионга яқин аҳолининг соғлиғига ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Муаммонинг моҳияти шундаки, таркибиде фтор бирикмалари, захарли газлар — карбон, олтингурут оксидлари, углеводородлар ва бошқа зарарли моддалар жуда кўпчилиги билан ажралиб турувчи «Талко» ДУКнинг чиқиндиларидан атрофдаги аҳоли жабр кўрмокда ва, биринчи навбатда, сурункали эндокрин ва сук-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари касалликларидан, тумға аномалиялар ва флюороздан, шунингдек, онкология касалликларидан азоб кетмокда.

Болалар ўртасида патологик касалликлар кўпайиб бораётгани, айниқса, хавотирга солмокда. Охириги беш йилда Сароисё туманида болаларнинг ўлик туғилиши ҳоллари 7,7 баравар кўпайган. Сароисё туманида 175 минг аҳолининг 42 мингдан кўпроги эндокрин касалликларга чалинган, Узун туманида яшайдиган 150 минг кишининг 100 мингга яқини эса турли ўзига хос хасталикларга дучор бўлган. Умуман олганда, Тожикистон алюминий корхонаси чиқиндиларининг трансгеаравий таъсирига учраган туманларда болаларнинг ҳам, катта ёшли аҳолининг ҳам касалланиши патологик бўлишларнинг қайталаниши жиҳатидан Сурхондарё вилоятидаги ўртача даражадан 3 баравар юқори.

Минтақанинг иктисодиёти, қишлоқ хўжалигига жуда катта кўламда зарар етказилмокда. Алюминий корхонасининг зарарли чиқиндилари билан атмосфера, тулрок, сув ресурслари ифлосланмокда. Натижада боғлар барбод бўлмокда, сабзавотлар, мевали дарахтлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги пасаймокда. Сароисё, Узун ва Денов туманлари ҳудудиде охириги 20 йилда сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги 27-46 фоизга, полиз экинларининг ҳосилдорлиги 24,4 фоизга, узумзорлар ҳосилдорлиги 37,8 фоизга пасайиб кетди, ушбу минтақа учун аънавий бўлган пиллачилик деярли барҳам топди. Фторидларнинг сабзавотлар ва меваларда, бошқа ўсимликларда тўпланиши йўл қўйилмайдиган энг юқори концентратсиядан (ЙҚЮК) 11-19 баравар, бугўйда тўпланиши 5-6,5 баравар юқори. Хайвонлар организмида ўнгламас

физиологик ўзгаришлар юз бермокда — уларнинг тишлари тушиб кетмокда, илик суякларини қийшайиб кетмокда, бўғимлар зарарланмокда, шунинг натижасида йирик ва майда моллар бош сони қисқармокда, соғиб олинаётган суг миқдори камаймокда, гўшт-суг маҳсулотларининг сифати ёмонлашмокда. Тадқиқотлар натижасида суг таркибидеги фтор нормадан 9-13 баравар, гўшт таркибиде 10,9 фоиз юқори эканлиги аниқланган. Буларнинг барчаси одамлар ҳаёти ва соғлиғига жиддий таҳдид туғдирмокда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг баҳолашича, «Талко» ДУК томонидан биргина охириги 5 йилнинг ўзиде етказилган умумий иктисодий зарар 447,3 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, алюминий корхонасининг деярли 40 йиллик фаолияти давомида минтақа иктисодиётига, одамлар соғлиғига ва атроф-муҳитга етказилган ҳақиқий зарарни аниқлашнинг имкони йўқ.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон томони доимий равишда мурожаат қилаётган бўлишига қарамай, Тожикистон томонидан халқро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари, шу жумладан, Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларациянинг (Рио-де-Жанейро, 1992 йил 14 июн) қондалари, шунингдек, икки томонлама битимлар доирасида қабул қилинган халқро мажбуриятлар бажарилмаёттир.

Чунюки, Ўзбекистон ва Тожикистон парламентлари депутатлик гуруҳлари кўшма мажлисининг 1991 йилда қабул қилинган қарори бажарилмай қолиб кетди. Бу қарорга мувофиқ заводнинг ишлаб

чиқариш қувватларини қисқартириш, шу жумладан, 100 та электролизер ишини тўхтатиш, «экологик ноҳушлик ўчоғини зарарсиз ишлаб чиқаришга айлантириши ҳамда иккала республика аҳолисини, Сурхон ва Хисор воҳаларида истиқомат қилаётган миллатлар вакиллари экологик ҳалокатдан асраб қолиши керак бўлган бошқа тадбирларни рўёбга чиқариш назарда тутилган эди.

1994 йил 17 ноябрдаги «Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсир зонасидаги экологик вазиятни яхшилашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлари Битими ҳам бажарилмай қолиб кетди.

Мустақил экспертлар, халқро табиати муҳофаза қилиш ташкилотларининг ҳулосасига кўра, минтақада экологик вазият ёмонлашиб бораётганини жиддий ташвиш туғдирмокда.

Айни пайтда атроф-муҳитни ифлослантириб, минтақадаги экологик вазиятни мушкуллаштиришга чек қўйишга доир чоралар қабул қилишга қарайётган халқро жамоатчилик, халқро экологик ташкилотларнинг талаблари бутунлай эътиборга олинмаёттир. Чунюки, «Талко» ДУК трансгеаравий чиқиндилари Сурхондарё вилоятининг шимолӣ туманлари атроф-муҳитига ва аҳолисо соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисида вужудга келган экологик вазият муносабати билан ушбу масалани ўз мажлисида кўриб чиққан Бельгия парламентининг аъзолари, Латвия парламентининг депутатлари, БМТ атроф-муҳит бўйича дастурининг (ЮНЕП), Европа ва Осиёдаги бир қатор экологик жамоат ташкилотларининг экс-

пертлари салбий фикр билдирдилар.

2012 йилда Жаҳон банки шафеллигиде ўтказилган аудитлик текширувларининг материаллари «Талко» ДУК асосий ишлаб чиқариш техникасининг ресурслари тугаганлигини, усқуналарнинг табиий равишда жисмонан эскириши юз берганлигидан, асосий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тугалланмаганлигидан, шу тарика унинг хавфсизлиги ва экологик жиҳатдан тозаланиш таъминланмаганлигидан далолат беради.

Халқро ташкилотлар ва экспертларнинг минтақада экологик вазият ёмонлашиб бораётганлиги ҳақидаги кўп сонли ҳулосаларига қарамай, Тожикистон томонидан турли даражада тақдим этилаётган материалларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мурожаатига Тожикистон парламентини қўйи палатаси — Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли раҳбариятининг 2013 йил 10 июндаги жавобиде экология соҳасида вужудга келаётган вазият ҳамда аҳолисо соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича оғирлашиб бораётган аҳвол инкор этилади. Айни вақтда мустақил экспертларнинг материалларида қайд этилаётган амалдаги ҳолат, шунингдек, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология ва гигиена илмий-тадқиқот институти ҳамда профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот институти каби Тожикистоннинг нуфузли институтилари томонидан олиб борилган излашлар «Талко» ДУК чиқиндиларининг таъсир зонасида вазият оғирлашиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, Тожикистоннинг Турсунзода тумани,

Хисор водийсидаги текширувдан ўтган катта ёшли аҳолининг умумий касалланиши, шунингдек, болаларда флюороз тарқалиши, аҳоли пункти «Талко» ДУКдан қай даражада узокдалигига қараб 2001 йил ҳолатига кўра, 46 фоиздан 16,1 фоизга ўзгаради. Тожикистоннинг Турсунзода туманида болалардаги тумға аномалиялар бошқа ҳудудлардагига қараганда уч баравар кўп учрайди.

Ўз-ўзидан равшанки, тобора оғирлашиб бораётган, Тожикистоннинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам экологияси ва аҳолисо соғлиғига катта зарар етказаятган шундай кенг кўламли муаммога бундай муносабатни нормал деб ҳисоблаш мумкин эмас.

«Талко» ДУК саноат чиқиндиларининг ҳалокатли таъсирини камайитириш мақсадида Ўзбекистонда кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда. Биргина 2010-2012 йиллар даврида Сурхондарё вилоятининг Денов, Сароисё, Узун ва Олтинсой туманларида энг замонавий тиббиёт усқуналари билан жиҳозланган бир қатор кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари фойдаланишга топширилди, 54 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ташкил этилди. Ушбу масалаларни ҳал қилишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастури катта аҳамиятга эга.

«Талко» ДУК ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида оғир сурун-

кали ва патологик касалликлардан, экологик муҳитнинг ўнглаб бўлмас даражада ўзгаришларидан жафо чекаётган одамларнинг соғлиғига ва аҳоли генофондига зарариллаётган жуда катта эгаранинг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигидан катти ташвиш билдириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари қўйидаги қарорни кечиктириб бўлмайд, деб ҳисоблайдилар.

Биринчидан, Ўзбекистон ҳудуди доирасида «Талко» ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайитириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар, ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш.

Иккинчидан, барча манфатдор халқро экологик ташкилотлар, БМТ тузилмалари, парламентлар, ҳукуматлар ва халқро жамоатчиликнинг эътиборини «Талко» ДУКнинг фаолият зонасидаги тобора оғирлашиб бораётган экологик ҳалокатни бартараф этишга, ушбу зарарли ҳамда одамлар соғлиғига ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартириш бўйича шилинч чоралар кўришга қаратиш.

Учинчидан, биз ишонимизки, вужудга келган аҳволдан қутулиш йўли бўлиши керак ва у албатта топилади. Трансгеаравий ифлослантириш муаммолари халқро ҳуқуқининг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларини, халқро ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ тегишли қарорларининг инсон саломатлигини, унинг тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган қондаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши мумкин ва керак.

Хозирги кунда Ўзбекистон ва Тожикистондаги юз минглаб аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, ушбу минтақада яшайдиган ва меҳнат қиладиган келгуси авлодларнинг тақдирини маъруз масалаларнинг тезроқ ҳал қилинишига боғлиқ.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ Тошкент шаҳри, 2013 йил 22 август

Энг намунали бошланғич ташкилот

Бошланғич касабда уюшма ташкилотларининг фаолиятини янада жонлантириш ва аъзолар манфаатлари ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш мақсадида ташкил этилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари юқори савияда ташкил этилиб, голикликка муносиблар ичра муносиблар саралаб олинмокда.



Меҳнаткашлар манфаати — ҳетувор

Жумладан, танловнинг Тошкент вилояти босқичи ҳам намунали бошланғичлар фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро таъриба алмашиш имкони берди. Тадбир аввалда иш жараёнига оид кўргазма ташкил этилди. Жамоа шартномалари ва унинг ижроси назоратга олинган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, турли тадбирлар ўз аксини топан стендлар ва фотосуратлар меҳнаткашлар манфаати устувор йўналиши эканлигини яна бир тасдиқлагандек бўлди.

«Ходимлар ҳимоясига қаратилган барча ҳужжатлар ижроси қатъий назоратга олинган, — дейди «Detailfill plyus» хусусий корхонаси касабда уюшма кўмитаси раиси Ш.Бердиева. — Жумладан, ишчилар учун хавфсиз меҳнат шартини яратиш, спорт-соғломлаштириш ишлари, моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш каби ишлар пировард натижада иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаёттир. Дарвоқе, ёшлар ва аёлларга турли имтиёзлар бериш, янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам усқиш бор.

Тиббиёт маркази, 2- ва 3-ўринлар ўртачирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошланғич ташкилотларига насиб этди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабда уюшмалари тизимидан: Қйбрай тумани Давлат солиқ инспекцияси биринчи, Чирчиқ шаҳар горнизони офицерлар саройи иккинчи ҳамда Халқ банки Ёстонлик тумани бўлими учинчи бўлиди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабда уюшмаси тизимидан: Зангиота туманидаги «Detailfill plyus» хусусий корхонаси касабда уюшма кўмитаси биринчи ўрин, Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Чирчиқ Сувоқова ишлаб чиқариш корхонаси бошланғич ташкилотлари 2- ва 3-ўринларга лойиқ кўриди.

Шунингдек, Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи бошланғич касабда уюшма ташкилоти «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот» номинацияси ҳамда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази касабда уюшма кўмитаси «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинациясига муносиб топилди. Фойлиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

Ўқув

Қаерда меҳнат муҳофазаси яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда хавотирга ўрин қолмайди. Бунинг учун соҳа бўйича масъуллар етарли билим ва қўниқмага эга бўлиши зарур. Шунини инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳар касабда уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош божқармаси томонидан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар бўйича икки кунлик ўқув машғулоти ташкил этилмокда.

Ўзини асрагани...

Навбатдаги ўқув машғулоти Чилонзор туманидаги 66-ихтисослашган умумтаълим мактабиде ўтказилди. Ўқувга туман тиббиёт бирлашмаси вакиллари, коллеж, лицейлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича масъуллар жалб қилинди. Машғулотларда жамоа шартномаларини тузиш, унинг бўлимида меҳнат шартини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига жавоб бериш иш ўринлари яратиш, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий куриқдан ўтказиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажаришда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниши тўғрисида етказилган зарарни тўлаш қондаларига амал қилинишига доир таъсирлар берилди.

Барча бошланғич ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ишларини намунали йўлга қўйишга ҳаракат қилинмокда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабда уюшмаси Чилонзор туман кенгаши раиси Улмасой Қаҳқорова. — Шунга қарамасдан, жорий йилда тумандаги таълим муассасида 1 та бахтсиз ҳодиса қайд этилди.

Жабранувчиға Қонунда белгиланган тўловлардан ташқари, иш беришчи ва касабда уюшмаси кўмитаси томонидан мунтазам моддий ёрдам кўрсатилиб, даврий тиббий куриқдан ўтиши назоратга олинди. Мазкур ўқув-машғулоти бу каби воқеаларга сабаб бўлаётган камчиликларни бартараф этишида муҳим аҳамият касб этади. — Мактабимизда 270 нафар имкониети чекланган ўқувчилар таълим олади, уларга 64 нафар ўқитувчи сабоқ бериб келмокда, — дейди 66-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Босит Атахужаев. — Масканимизга ишга келган ходимлар дастлаб меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари билан таништирилади. Мазкур йўналишда турли буқлет ва стендлар орқали маълумотлар акс этган бурчалар ташкил этганми. Бугунги ўқув машғулотида зарур таъсирлар ва турли ҳодисалардан сақланиш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш бўйича фойдали кўрсатмалар олдик. Машғулотлардан сўнг тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» муҳбири. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар





Истиқлол йилларида мамлакатимизда мисли кўрилмаган даражада бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида барпо этилган иншоотларга назар солиб, мустақилликнинг буюк неъмат эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент аграр университети, Тошкент тиббиёт педиатрия институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданияти институти Нукус филиалларининг янги ўқув бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳудуддаги ёшларнинг олий таълим олиши учун янада қулай шaroит яратди. Тошкент акушерлик-гинекология илмий тадқиқот институтининг Нукус филиали ҳам замонавий услубда қурилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Буюк олим Мирзо Улугбек, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Бердақ ва Аҳи-ниёз ҳайкаллари бунёд этилиб, хиёбонлар обод этилди.

11 нафар талабанинг шартнома пуллари қисман тўлаб берилди.

ЎзКУФКнинг «Хар бир инсон меҳр-этибори оғушида» акцияси доирасида Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш кўни арафасида 10 нафар ёлғиз кекса ва пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатилиб, эҳтиёжига кўра бошқа маҳсулотлар олиб берилди. Шунингдек, 163 нафар уруш қатнашчисига моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган oilалардан 26 нафар аёлга бепул тадан кир ювиш машинаси, Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи ва ҳарбий бўлимга компьютерлар жамланмаси совға қилинди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда режадаги амалиёт ўтаб-тан 1088 нафар коллеж битирувчиси ва 306

ги Низомга биноан ҳудудда ғолиб топиладан қорхоналар рўйхати Федерация Кенгаши қошида тузилган комиссияга тақдим этилди. Кўриқ-танловнинг республика босқичида меҳнатни муҳофаза этиш бўйича энг яхши қорхона сифатида биринчи ўрин — «Тахияташ ИЭС» ОАЖга, иккинчи ўрин — Қорақалпоғистон Гидрогеология мелиоратив экспедициясига, учинчи ўрин — Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига берилди.

Қонлиқўл, Эллиққалъа, Шуманай, Амударё, Кўнгирот ва Бериуний туманларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув-семинарлар ўтказилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма аралашуви билан
ЎзКУФКнинг «Касаба уюшмаларининг

Эҳтиром бонси

Ёшларда олинган билим — тошга уйилган нақш, деб беҳижга айтмайдилар. Пойдевор қанчалар пишиқ-пuxта қурилса, иморат шунчалик мустаҳкам бўлади. Юртимизнинг бугуни ва келажиги бўлган ёшларнинг баркамол бўлиб voyга етиши эса биринчи галда муаллимга боғлиқ. Шу боисдан ҳам истиқлол йилларида ўқитувчиларга шарт-шaroит яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари бўйича 2012-2014 йиллар учун тузилган 16 та жамоа келишув, 1254 та жамоа шартномасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, жамоатчилик билан aloқаларини мустаҳкамлаш каби масалалар акс этган бўлиб, уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Айниқса, охири икки-уч йил ичида тармоқда касаба уюшма ташкилотига бўлган муносабат тубдан ўзгарганлигини кўриш мумкин. Таълим тизимида меҳнат қилаётган устоз-мурабийлар билан бўлган мулоқот орқали шу нарса маълум бўлдики, ходимларнинг вақили органига ишончи ортган.

Фаолияти намунали ташкил этилган Нукус шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби 690 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу ерда 91 нафар педагог ва техник ходим меҳнат қилади. Шундан 69 нафари хотин-қизлардир.

2007 йилдан бунён ушбу мактабда касаба уюшма кўмитаси раиси вазирасида ишлаб келаётган Нуржамол Алламуротова билан учрашганимизда унинг ўз ишига ўта масъули-

— Очигини айтсам, бирор-бир масалани касабақўм иштирокида ёки розилигисиз ҳал қилган эмасман. Шундай экан, касабақўмнинг бошқарув ишида ҳам ўзига хос ўрни бор, — дейди мактаб директори Узира Курбонова. — Шундан бўлса керак, 17 йилдан бунён шу жамоага раҳбарлик қилиб келаётган бўлсам, ҳали бирор марта шикоят хати тушган эмас.

Тўғри-да. Касабақўм ходимлар вақили бўлганлиги сабабли уларнинг дарди, муаммоси, ташвиши-ю хурсандчилигидан доимо боҳабар. Шу боисдан ҳам мактаб фаолиятига доир ҳар қандай масалаларда бу нарсалар инобатга олиниши даркор. Шундагина жамоада тотувлик, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат туйғулари шаклланади. Ахир жамоани беҳиж oilага қиёслашмайдилик-ку!

— Касаба уюшма кўмитаси раисининг фаолиятни намунали йўлга қўя олишдаги яна бир ютуғи шундаки, у жамоадаги ҳар бир ходимнинг oilавий шaroити билан яқиндан танишиб, ишончли дўстига айлана олган, — дейди Нукус шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Улзода Аъзамуротова. — Жорий йилда касабақўм тавсияси билан ушбу мактабдан 7 нафар ходимга тармоқнинг шаҳар касаба уюшма кенгаши ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Бошланғич ташкилот етакчиси — ходимларнинг холис адвокати. Шундай экан, у инсонларга чинакам таянч, меҳрибон ва гамхўр дўст бўла олиш даркорлигини ҳис қила олсагина, у ўз вазифасини бекаму кўст адо эта олади.

Ўзликни англаш

Қорақалпоғистоннинг миллий халқ амалий санъатини ўзида мужассам этган Савицкий номидаги давлат санъат музейини ҳеч бир муболагасиз юрт ифтихори дейиш мумкин. Бугунги кунда 90000 экспонатни ўзида жамлаган ушбу музей халқаро миқёсда ҳам катта нуфузга эга.

Музейга 1966 йил асос солинган бўлиб, илгари у шаҳар чеккасидаги кичкинагина 7 хонали уйда жойлашган. Мустақиллик шaroити билан 2003 йилнинг 12 сентябрида музей шаҳар марказида замонавий услубда қуриб битказилган уч қаватли муҳташам бинога кўчиб ўтди. Биринчи бोर эшитган кишида қорақалпоқ халқига тегишли мерос — ушбу музей нега энди рус миллатига мансуб шахс номи билан аталган, деган савол тугилиши табиий.

Шундайки, барча раҳматлар каби ижодий озуқа, илҳом олиш мақсадида Марказий Осиё бўйлаб саёҳат қилиб юрган москвалик Игорь Витальевич Савицкий ўтган асрнинг 50-йилларида Нукусга келиб, қорақалпоқ санъати тарихи билан жиддий қизиқиш қолади. Қорақалпоқларнинг ўзига хос миллий кийимлари, тақинчоқлари, яшаш тарзи, урф-одатлари уни шунчалик ўзига ром этгандики, у ҳаётининг қолган қисмини шу заминда ўтказишга қарор қилди. 1966 йилда Нукус музейига директор этиб тайинланган Савицкий миллий санъат намуналарини йиғишга киришди.

Олдинда у кўчиб яшашга мослашган қорақалпоқларнинг бошпанаси ҳисобланган ўтовни тўшаб ва безаш учун қўлда тўқилган гиламлар ва узунлиги 16 метргача бўлган белжил, белдей, акбаскур, эшиққасам каби ўтовни ичкаридан ва ташқаридан қопловчи тўқилган матоларни сотиб ола бошлади.

Айниқса, музейда тўпланган аёлларнинг ҳар хил ёшдаги ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда, ранг ва андозалари бир-бирини такрорламасдан тўқилган кийимлари кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиди. Шунингдек, кумуш ва мисдан ясалган тақинчоқларнинг безаклари ҳам ниҳоятда нафис ва мафтункор кўринишга эга. Айтишларича, улардан аёллар фақатгина гўзаллик учун эмас, балки тақинчоқлардан ҳимоя воситаси сифатида ҳам фойдаланишган.

Бугунги кунда музейда мавжуд бўлган 7562 та халқ амалий санъати маھсули бўлган ашёлар, 32675 та тасвирий санъатга оид асарлар, 1322 та ҳайкалтарошлик намуналари, 1902 та қадимий тангалар, 8618 та археологик қазилмаларига оид топилмалар россомини бегараз, фидойи меҳнат ва асқарияти унинг шахсий маблағи авазига сотиб олинган экспонатлар ҳисобланади.

Музей жамоаси бу фидойи инсон бошлаган эзгу фаолиятни муносиб давом эттириб келмоқда. Бу ерда 79 нафар ходим меҳнат қилади. Экспонатларнинг сақлиниши, бойитилиши, кўргазмага қўйилиши, ташриф буюрган меҳмонларни санъат асарлари билан таништириш каби юмушлар улар зиммасида. Ўз навбатида, ходимлар мафазатини ҳимоялашга ҳам aloқида эътибор қаратилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси бу борада қўл келаятир. Кўмита раиси Омонгул Юсупова ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, ишлаши учун зарур шарт-шaroит яратиш, турли тадбирлар ташкил этиш каби ишларга ҳамиша бош-қош. Бундай эътибор ва қўллаб-қувватлаш жамоа аъзоларининг музей фаолиятини янада қучайтириш борасида тинмай изланишга куч бермоқда.

Инсонга наф келтириши — олий бахт. Бу шарафга ҳар кун ва ҳар бир киши эришиши мумкин.

Саҳифани «Ishonch» муҳбири
Дилором АЛЛАКУЛОВА тайёрлади

Юрт қиёфаси тубдан ўзгарди

Қорақалпоғистон Республикаси



нафар имтиёзли диплом соҳибига касаба уюшма маблағи ҳисобидан жами 29496,0 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий суғурта

Жорий йилнинг биринчи ярмида ягона ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан дам олиш масканларига 753 та йўлланма сотиб олинди. Шундан касаба уюшмалари ташкилотларига 457 та йўлланма нархининг 45 фоизи миқдорда, 41 таси эса бепул берилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида Халқаро ҳамширалар кўни муносабати билан сийхатшоҳларга 4 та йўлланма бепул тақдим этилди. Шунингдек, тиббиёт ходимларига 9 та, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларига 11 та, фермерларга 31 та йўлланма бепул тарқатилди.

Худудда жойлашган соғломлаштириш оромгоҳларида 3050 нафар бола мароқли хордиқ қарчди. Ижтимоий суғурта маблағларидан Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 90 нафари, кам таъминланган ва кўп болали oilа фарзандларидан 305 нафари оромгоҳларда бепул дам олдилар.

Меҳнат муҳофазаси

Жорий йил 153 та бошланғич ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари ўрганиб чиқилди. Натияжада, 393 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, шундан 224 таси касаба уюшма аралашуви билан бартараф этилди.

Меҳнат вазирасини бажариш чоғида ногирон бўлиб қолиш ва соғлиғига бошқача тарзда зарар етиши билан боғлиқ тўловлар миқдорини пасайтириб кўрсатиш ёки тўламаслик ҳолатлари бўйича 3 марта фуқароларни судга ариза киритилиб, 29 млн. 229 минг сўм ундириб берилди.


